# ЎЗБЕК САНОАТЧИЛАРИНИНГ НУФУЗЛИ ФОРУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда кузатилаётган жадал ўсиш суръатлари туфайли Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти барқарор ривожланаётган давлатлари қаторидан жой эгаллади. Ўтган йили ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,3 фоизни ташкил этгани ана шундан далолат беради. Президентимизнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" номли маърузасида алоҳида таъкидланганидек, "Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин".

Саноат маҳсулотлари умумий ўсишининг қарийб 70 фоизи юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ҳиссасига тўғри келгани, айниқса, қувонарлидир. Машинасозлик ва автомобилсозлик, кимё ва нефть-кимё, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати, фармацевтика ва мебелсозлик каби соҳалар бугунги кунда, таъбир жоиз бўлса, иқтисодиётимизнинг локомотивига айланди. Уларнинг нафақат ички бозорни муҳим маҳсулотлар билан тўлдириш, балки экспортдаги улуши катта эканлиги шундай дейишимизга тўла асос бўла олади.

Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2009 йил 1 декабрдаги "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўтказилаётган икки босқичли ушбу тадбирлар анъанавийлик касб этгани саноатчиларнинг айни дилидаги гап бўлди. Негаки, улар иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг узоқ муддатли хўжалик алоқаларини шакллантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни янада ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида кенгроқ маълумот бериш, янги ҳамкорлар топиш ва маҳсулотлар етказиб бериш учун бозор инфратузилмасини ташкил этиш имконини яратаётир. Буни тасаввур қилиш учун ўтган йилги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида эришилган натижаларни эслашнинг ўзи кифоя.

Хусусан, унга жаҳоннинг 58 мамлакатидан илғор фирма ва компанияларнинг 850 нафардан зиёд вакили ташриф буюрди. Улар форумлар доирасида 1030 дан зиёд маҳаллий корхоналарнинг хилма-хил маҳсулот ва хизматлари, техник ва технологик имкониятлари билан яқиндан танишдилар. Натижада тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва ускуналарни етказиб бериш ёки сотиб олиш бўйича умумий қиймати 3,5 триллион сўмликдан ортиқ шартномалар имзоланди. Бундан ташқари, хорижий валютада мамлакатимизда тайёрланган маҳсулотларни хорижга етказиб бериш бўйича қиймати 3,9 миллиард АҚШ долларидан ортиқ битимлар тузилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, республикамизнинг барча истеъмолчилари тадбирлар давомида буюмлар, қайта ишланган хом ашё ва материалларни қўшимча тендерлар ўтказмасдан, тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиб олишлари мумкинлиги улар учун яратилган яна бир қулайлик бўлди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг мунтазам фаолият кўрсатадиган ташкилий қўмитасидан маълум қилинишича, бу йилги тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, шунингдек, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан ташкил этилиб, юқори савияда ўтказилади. Бунинг учун мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинган.

2012 йилги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг барча қатнашчилари — хўжалик бирлашмалари, компаниялар, фирмалар ва корхоналар, шу жумладан, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазма компаниясида тегишли майдонлар имтиёзли шартлар асосида берилади. Шу билан бирга, тадбирларда илмий тадқиқот ташкилотлари ҳам иштирок этиб, ишлаб чиқарувчиларга янги технологик ишланмалари ва инновацион маҳсулотларини тақдим этиши ҳам режалаштирилган.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари, айниқса, саноатимиз ривожини янада жадаллаштиришга хизмат қилиши муқаррардир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Жиззах

*Жиззах шаҳрида иш бошлаган "Нарусмет" масъулияти чекланган жамияти томонидан 2011 йилда 65 минг АҚШ доллари миқдорида жун маҳсулотлари экспорт қилинди.*

#### Корхона маҳсулотлари – экспортга

— Ўтган йили лойиҳа қиймати 300 миллион сўмга тенг, жунни қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхонани ишга туширгандик, — дейди жамият раҳбари Рустам Мавлонов. — Қисқа даврда 135 тонна маҳсулотни хорижга чиқаришга эришдик. Айни пайтда банкнинг 100 миллион сўмлик молиявий кўмаги эвазига модернизация тадбирларини амалга оширмоқдамиз. Ушбу лойиҳа рўёбга чиқарилиши билан ишчилар сони 1,5 баробар ортади ҳамда йилига минг тонна жунни қайта ишлаш имконияти вужудга келади.

Ўтган йили вилоятдаги корхоналар томонидан 74,2 миллион АҚШ долларилик маҳсулот ташқи бозорга чиқарилди.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Самарқанд

*Жомбой туманидаги "Артек Интернейшнл" қўшма корхонасига 2 миллиард 658 миллион сўмлик хориж инвестицияси киритилиб, ишлаб чиқариш жараёни кенгайтирилди.*

#### Саккиз баробарга ошди

Пировардида бу ерда йилига 1800 тонна пахтани қайта ишлаш имконияти юзага келди. Шу билан бирга, 80 та иш ўрни яратилди.

Таъкидлаш керакки, бундан икки йил олдин вилоятда йилига бор-йўғи 820 тонна пахта толаси қайта ишланган бўлса, бугун бу кўрсаткич 8 баробарга ортди.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сурхондарё

*Қизириқ туманидаги "Жаҳонгир" хусусий корхонасида йилига 7 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга технологик линия ишга туширилди.*

#### Янги қувват – қўшимча даромад

Бунинг учун банкнинг 200 миллион сўмлик кредити ҳамда корхонанинг 50 миллион сўмлик маблағи эвазига хориждан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Мазкур лойиҳа туфайли 10 нафарга яқин қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланди. Корхона ойига 500 минг дона ғишт ишлаб чиқармоқда.

Туманда ўтган йили қурилиш материаллари ва мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаларнинг ҳаётга жорий этилиши туфайли 502 та иш ўрни яратилди.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тошкент вилояти

*Зангиота тумани маркази — Келес шаҳрида қурилиб, фойдаланишга топширилган муҳташам "Real. Uz" мажмуаси аҳолига йигирмага яқин хизмат турларини таклиф этмоқда.*

#### Истеъмолчиларга манзур

Айниқса, бу ерда фаолият юритаётган ошхона, тўловларни қабул қилиш ва интернет шохобчалари, шунингдек, сартарошхона, суратхона, дорихона ҳамда супермаркет хизмати истеъмолчиларга манзур бўлаяпти. Мажмуа иш бошлаши билан 30 дан ортиқ ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Шуниси диққатга сазоворки, 2011 йилда туманда айнан шу йўналишда 75 та лойиҳа рўёбга чиқарилди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қарор ва ижро

*Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқлари жадал ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси яхшиланмоқда. Демак, юртимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳам шунга яраша бўлиши керак. Шу боис мазкур соҳа ва унинг инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти.*

**Хизмат кўрсатиш:**

# КЎЛАМИ ҲАМ, СИФАТИ ҲАМ ОРТМОҚДА

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорлари талаблари асосида тизимга замонавий хизмат турлари жорий қилиниб, уларда кўзда тутилган имкониятлару имтиёзлар ишбилармонлар ва тадбиркорлар учун ўз фаолиятларини бошлашлари ҳамда муваффақият қозонишларига кенг йўл очиб бераётир.

Хоразм вилоятида ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳам бунга мисол бўла олади. Масалан, ўтган йили воҳада аҳолига 1 триллион 902 миллион сўмлик хизматлар кўрсатилди. Бу кўрсаткич 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 19,1 фоиз кўпдир. Бундан ташқари, 384 та хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилиб, 1 минг 168 та қўшимча иш ўрни очилди.

Айниқса, ўтган даврда кўрсатилган жами хизматларнинг 55,4 фоизидан ортиғи қишлоқ жойларга тўғри келгани эътиборга лойиқ. Ушбу соҳа билан шуғулланаётган тадбиркорларнинг фикрича, бундай ютуқлар уларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани самарасидир.

Албатта, бунда тижорат банкларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўтган йили хўжалик юритувчи субъектларга тижорат банклари томонидан 14 миллиард 832 миллион сўмлик кредит ажратилгани, бу маблағ янги шохобчаларни бунёд этиш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш мақсадларига йўналтирилгани ана шундан далолат беради.

— Ичанқалъада чет эллик сайёҳлар учун меҳмонхона хизматини йўлга қўйдик, — дейди хивалик тадбиркор Қуронбой Маткаримов. — Муддаога эришишимизда "Микрокредитбанк" ОАТБ Хоразм филиали томонидан берилган 15 миллион сўмлик кредит қўл келди. Бу кредит ҳисобидан меҳмонхонани кўнгилдагидек жиҳозлаб, сайёҳларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатаяпмиз.

Яна бир диққатга сазовор жиҳат шуки, бугун вилоят қишлоқ аҳли кўплаб ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун шаҳарга ёки туман марказига қатнаши шарт эмас. Сабаби, ҳар бир қишлоқда хизмат кўрсатиш шохобчаларини ўзида жамлаган гузарлар барпо этилмоқда. Хусусан, ўтган йили жойларда 4 та гузар типидаги хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга туширилиб, гузарлар сони 26 тага етказилди.

Шу билан бирга, қишлоқ аҳолиси сартарошхона ёки пойабзал таъмирлашдек соҳанинг анъанавий турларидан ташқари, уй-жой қуриш, суғурталаш, соғлиқни сақлаш, дам олишни ташкил этиш, зооветеринария, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, овқатланиш, мобиль телефон алоқаси хизматларидан ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.

Вилоятда, шунингдек, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш ҳажми ҳам йил сайин ўсмоқда. Воҳанинг йўловчилар ташиш автопарки янги автобуслар билан тўлдирилаётгани, жумладан, кейинги икки йил ичида 130 та "Исузу" автобуси харид қилингани ана шундан далолат беради. Ҳозир ана шу автобуслар шаҳар ва шаҳар ташқарисидаги 101 йўналишда аҳолининг узоғини яқин қилаяпти. Шаҳарлараро 26 та йўналиш ташкил этилгани ҳам йўловчиларга қулайликлар туғдирмоқда.

Буларнинг барчаси, табиийки, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг иқтисодиётимизда ўз ўрнига эга бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

**ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни чоғда ҳудудий дастурга мувофиқ, 355 та кичик корхона ишга туширилиб, мавжуд 92 та саноат объекти модернизация қилинди, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланди. Бу, ўз навбатида, микрокальцит, лок-бўёқ маҳсулотлари, профнастил, электр энергиясини тежовчи лампочка, қадоқланган чой, ош тузи, қандолат маҳсулотлари, гилам, эркаклар ва болалар кийими, пойабзал сингари 12 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди. Масалан, Деҳқонобод туманида йилига 2,5 миллион дона тежамкор лампочка тайёрлаш йўлга қўйилиши ҳисобига вилоят аҳолиси йиллик эҳтиёжининг 15 фоизини қоплаш имконияти яратилган бўлса, Шаҳрисабз туманидаги "Оқсарой текстиль" корхонасида болалар, эркаклар ва аёллар учун 132 минг дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани туфайли импорт ҳажмини кескин қисқартиришга эришилди.

— Бугунги кунда ишчиларимиз сони 700 нафардан ошиб кетди, — дейди Қарши шаҳридаги "Коттон Роад" қўшма корхонаси бош муҳандиси Зикрилло Абдуллаев. — Бу ниманинг шарофати? Албатта, жамоамиз томонидан олиб борилган кенг қамровли реконструкция ва модернизациялаш ишлари эвазига пахта толасини комплекс қайта ишлаган ҳолда, сифатли трикотаж мато ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уни ташқи бозорга сотиш имкониятимиз кенгайгани самарасидир.

Пахта толасини ипга айлантиришдан тортиб, ундан газлама ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни комплекс тарзда амалга оширувчи корхоналар республикамизда унчалик кўп эмаслиги ҳисобга олинса, "Коттон Роад"нинг келажаги ёруғ эканлиги шундоққина аён бўлади. Шуни назарда тутиб, меҳнат аҳли ўзлари учун яратилган беқиёс имкониятлардан оқилона фойдаланиб, истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, бу борада хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлашга интилмоқда.



Таҳлилларга қараганда, вилоятда реал сектор тармоқлари фаолиятини кенгайтириш, янги технологик ускуналар асосида модернизация қилиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бултур аҳоли жон бошига 1,6 миллион сўмликни ташкил этиб, аввалги йилдагига нисбатан 72,2 минг сўмликка кўпайган. Айни пайтда воҳада ҳар бир оилага ўртача 1,2 дона телевизор тўғри келаётгани, 150 мингдан ортиқ хонадон шахсий автотранспортига эгалиги, 60 мингга яқин оила эса ўз хусусий бизнесини юритаётгани ана шундан далолатдир.



Жорий йилда вилоятда ҳудудий дастурга кўра, 400 та саноат корхонасини фойдаланишга топшириш, мавжуд юздан зиёд корхоналарда модернизация ишларини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Бу — 14 турдаги янги маҳсулот тайёрланади, деганидир.

Буларнинг бари, шубҳасиз, келгусида вилоят аҳлининг саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, уларнинг турмушини фаровонлаштириш, муҳими, республикамиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Маънавиятимизнинг ишончли қўрғони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, бугунги глобаллашув жараёни жадаллашиб, ахборот технологиялари изчил ривожланмоқда. Мана шундай шароитда фарзандларимизни ёт ғоя ва мафкурадан, турли диний экстремистик оқимлардан сақлайдиган энг ишончли ҳимоя қўрғони оила ҳисобланади. Ота-онадаги маданият, маънавият, истеъдод, масъулият, кези келганда, ўғил-қизларда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам болалардаги ўзгариш, интилиш, қизиқиш ота-она томонидан назорат қилиниши айни муддаодир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда соғлом маънавий муҳит қарор топишига кўмаклашишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шубҳасиз, Мустаҳкам оила йилида бу борадаги ишларимиз янада кенгаяди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустақил фикрига эга, оқни қорадан ажратишга, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлиғини асраш, ҳаётга йўллашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

**Барно ИСЛОМОВА,**
**халқ депутатлари**
**Сирдарё вилояти**
**Кенгаши депутати.**

## Хушхабар

*Таиланднинг Нонтабури шаҳрида теннис бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ўтказилди.*

### Бош соврин – ҳамюртимизда

Халқаро теннис федерацияси (ITF) тақвимидан жой олган мазкур мусобақада дунёнинг йигирмага яқин давлатидан келган ёш ракетка усталари ғолиблик учун кураш олиб борди. Қувонарли жиҳати, турнирнинг қизлар ўртасидаги яккалик баҳсларида ҳамюртимиз Сабина Шарипова бош совринни қўлга киритди.

Истеъдодли спортчимиз мусобақа давомида Наикта Баинс (Австралия), Мами Адачи (Япония), Я-Хсуан Ли (Хитой Тайпейи), Барбара Хаас (Австрия)ни мағлубиятга учратиб, финалга йўл олди. Ҳал қилувчи беллашувда ҳам ажойиб ўйин намойиш этган ватандошимиз канадалик рақибаси Керол Жаога ҳеч қандай имконият қолдирмади — 6:3, 6:3.

**Фазлиддин АБИЛОВ**
**тайёрлади.**

# Юксак ҳуқуқий маданият

**ислоҳотларни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади**

*Ўзбекистон Миллий матбуот марказида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

## Анжуман

Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда вазирлик тизимидаги муассасалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, юртимиз адлия муассасалари томонидан аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, давлат органлари ҳамда жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ўтган йили жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган 204 мингдан зиёд турли тадбирлар ташкил этилиб, уларга 3 миллиондан ортиқ киши жалб қилинган. Айни чоғда 400 минг нусхадан ортиқ қонунлар, кодекслар ва уларнинг шарҳлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, юридик соҳага тааллуқли китоб ҳамда журналлар чоп этилган. Юртбошимиз томонидан тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар бўйича ўқув-услубий қўлланмалар ҳам нашрдан чиқарилган.

Тадбирда вазирликнинг қонун ижодкорлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, халқаро алоқалар, суд экспертизаси йўналишларидаги фаолияти ҳамда устувор вазифалари хусусида ҳам ахборот берилди.

**З. ХУДОЙШУКУРОВ.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 13 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1933,04 | 1 Исландия кронаси | 14,52 | 1 СДР | 2831,08 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2875,70 | 1 Канада доллари | 1849,44 | 1 Туркия лираси | 1027,80 |
| 1 Дания кронаси | 323,42 | 1 Хитой юани | 290,29 | 1 Швейцария франки | 1992,56 |
| 1 БАА дирҳами | 499,80 | 1 Россия рубли | 62,14 | 1 евро | 2421,72 |
| 1 АҚШ доллари | 1835,75 | 1 Украина гривнаси | 229,81 | 10 Жанубий Корея вони | 16,36 |
| 1 Миср фунти | 304,44 | 1 Малайзия ринггити | 606,86 | 10 Япония иенаси | 223,00 |
| | | 1 Польша злотийси | 587,97 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси:

# МОДДИЙ ФАРОВОНЛИК ВА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

***...Бугунги тинч, осуда ҳаётимиз ривожига катта хизматлари сингган муҳтарам нуронийлар, пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кечиришлари учун зарур шарт-шароит яратиб бериш масаласи диққат-эътиборимиз марказида бўлиши даркор.***

**Ислом КАРИМОВ.**

Пенсия таъминоти мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг муҳим қисми бўлиб, унинг асосий мақсади кам таъминланган фуқаролар ва меҳнатга лаёқатсиз кишилар ҳаёт даражасини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий характерга эга комплекс дастур талабларини ижро этишдан иборат. Шу боис Президентимиз ташаббуси билан истиқлол йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш, пенсия таъминоти сифатини ошириш бўйича босқичма-босқич ислоҳотлар олиб борилмоқда. Натижада ўтган қисқа давр ичида республикамизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва кафолатлашнинг кучли ҳамда таъсирчан механизми яратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 30 декабрдаги "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, айтиш мумкинки, пенсия таъминоти ташкилий тизимини янада такомиллаштириш имконини берди. Гап шундаки, мазкур ҳужжатда Пенсия жамғармаси томонидан пенсия ва ижтимоий нафақаларни ўз вақтида, тўлиқ миқдорда молиялаштириш, тўловлар устидан мониторинг юритиш, пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағларнинг мақсадлилиги ва назоратини кучайтириш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, 2010 йилдан бошлаб пенсия ва нафақаларни тайинлаш, тўловини мониторинг қилиш, уларнинг ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида янгидан ташкил этилган бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилмоқда. Мазкур жамғарма унинг Ижро этувчи аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий бошқармаси ҳамда 196 та туман (шаҳар) бўлимидан иборат ташкилий тузилмага эга. Бу тизимда айни пайтда 4 мингдан ортиқ киши меҳнат қилаётир.

*Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг асосий вазифалари эса фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил этиш, фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тайинлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларининг қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминлаш;*

*— жамғарма ҳисоб рақамларида мажбурий тўлов, бадаллар ва бошқа тўловларни жамлаш;*

*— пенсиялар ва бошқа тўловларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ва тўланишини ташкил этиш, улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботни юритиш;*

*— фуқароларнинг пенсия таъминотига доир маблағларни қатъий мақсадли ишлатилишига эришиш.*

Шунингдек, жамғармага тиббий-меҳнат экспертизаси фаолиятини ташкил этиш вазифаси ҳам юклатилган бўлиб, республика тиббий-ижтимоий экспертизаси тизимини такомиллаштириш мақсадида 108 та Бош, туманлараро, туман (шаҳар) ТМЭКлари ташкил этилди ҳамда улар юқори малакали кадрлар билан таъминланди.

## Жамғарма даромадларининг шаклланиши ва харажатлари

Президентимизнинг 2010 йил 24 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Пенсия жамғармасининг 2011 йилги даромадларининг аниқлаштирилган прогноз кўрсаткичлари тўлиқ бажарилиши таъминланди.

Натижада 2011 йил учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари тушуми 6,2 трлн. сўмга етиб, прогноз кўрсаткичи 100,5 фоиз уддаланди. Даромад кўрсаткичларининг мунтазам равишда бажарилиши жамғарманинг айланма маблағлари қолдиғи миқдорини ошириш имконини бердики, бу ўз навбатида, пенсия ва нафақаларни белгиланган муддатларда кафолатли молиялаштириш учун зарур маблағларни шакллантирмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра, жамғарманинг айланма маблағлари қолдиғи ҳар ойлик харажатларнинг 70 фоизини молиялаштириш имконини берувчи миқдорни ташкил этмоқда.




2012 йил учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тушумларни кўпайтириш чоралари фақатгина ишловчиларнинг суғурта бадаллари ставкасини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2012 йил учун қабул қилинган Давлат бюджети параметрларига мувофиқ, ишловчиларнинг мажбурий суғурта бадаллари ставкасини 4,5 фоиздан 5,5 фоизгача кўтариш кўзда тутилган. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ажратмалар ставкаси ўзгаришсиз — 25 фоиз миқдорида қолдирилди. Шу ўринда айтиш жоизки, ишловчиларга ушбу солиқ юки оширилиши, асосан, ягона солиқ солиш базасидан ушланиб қолинувчи жисмоний шахслар даромадлари солиғи ставкасини 1 фоизга камайтириш йўли билан компенсацияланади.

Шунингдек, 2012 йил 1 январдан бошлаб барча ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг ЯТС бўйича амалдаги "0" разряд ўрнига "1" разряд (ойига 155790 сўм) этиб белгиланиши даромади паст бўлган аҳолининг реал даромадларини ўртача 2,47 маротаба ошириш имконини беради.

## Тизимга — замонавий технологиялар

*Пенсия жамғармасини техник модернизация қилиш масаласига устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда, энг аввало, пенсия ва нафақа олувчиларнинг ишончли ҳимояланган ягона марказлашган маълумотлар базасини шакллантириш имконини берадиган автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш ишлари жадал олиб борилаяпти.*

Бу соҳада самарадорликни ошириб, тезкор ва аниқ ҳисоботларнинг шаклланиши, пенсия тайинланиши ва тўланишида инсон омилини камайтириш орқали жамғарма маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтиришга хизмат қилади.

Ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида "Фидо бизнес" МЧЖ билан ҳамкорликда "Пенсия" дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди. У 2011 йил сентябрдан Тошкент шаҳрида, декабрь ойидан бошлаб эса Тошкент вилоятида ишга туширилди. Ушбу янгилик 2012 йил биринчи ярми давомида бутун республика бўйича татбиқ этилиши режалаштирилган. Бугунги кунга келиб, пенсионер ва нафақа олувчиларнинг 90 фоизи тўғрисидаги маълумотлар шаклланаётган ягона электрон ахборот базаси томонидан қамраб олингани эътиборга лойиқдир.

2011 йилда, шунингдек, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 40 дан ортиқ туман (шаҳар) бўлимлари бинолари қайта таъмирланиб, капитал реконструкция қилинди. Жорий йилда яна 33 та туман (шаҳар) бўлимида таъмирлаш, фуқароларни қабул қилиш хоналарини асосий воситалар ва мебеллар билан жиҳозлаш ишларини якунлаш мўлжалланмоқда.

Умуман олганда, тизимни замонавий ахборот технологиялари билан қайта жиҳозлаш мақсадида 1,7 мингдан ортиқ компьютер, 600 та принтер ва бошқа коммуникацион ускуналар сотиб олиниб, ҳудудий бўлинмаларга етказиб берилди. Бу — замонавий компьютер техникалари ва переферик қурилмаларга бўлган талаб 90 фоизга таъминланди, деганидир.

*Давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш, пенсионерлар хуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлашда 1993 йилда қабул қилинган "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.*

## Қонун ижроси билан муҳимдир

Мазкур Қонунга 2011 йил 1 январдан тегишли ўзгартишлар киритилиб, ўз аҳамиятини йўқотган айрим имтиёзлар ва меҳнат фаолиятининг алоҳида даврларини иш стажига ҳисоблаш механизмлари оптималлаштирилгани кўпчиликнинг айни дилидаги гап бўлди. Чунки унга мувофиқ, эндиликда ёшга доир пенсияларни тайинлашда меҳнат стажининг энг кам қуйи чегараси белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, пенсия таъминоти ва ижтимоий йўналишнинг универсаллиги тамойилларининг босқичма-босқич амалга оширилиши 2012 йил 6 январдан кучга кирган "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда ўз аксини топди. Унда фуқаролар пенсиясини ҳисоблаб чиқиш учун олинадиган ўтган йиллардаги иш ҳақларини пенсия тайинланадиган кундаги иш ҳақи даражасига келтириш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб бериладиган тартибга асосан қайта ҳисобланиши назарда тутилган.

Таъкидлаш керакки, Қонуннинг изчил ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори тизимда туб бурилиш ясади. Чунки ушбу қарорга мувофиқ тасдиқланган пенсия тайинлаш ва тўлаш жараёнини тартибга солувчи ягона Низом амалиётга кенг жорий этилмоқда.

## Пенсия ва нафақалар ўз вақтида тўланаяпти

*Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан 2011 йилда 139 минг нафардан ортиқ фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиб, пенсия ва нафақалар тайинланди. Қонунчилик талабларига асосан, жорий пенсия ва нафақаларни молиялаштиришнинг сўнгги муддати ҳар ойнинг 27-санасига белгиланган.*




2011 йил давомида 2 млн. 946 мингдан зиёд фуқароларга пенсия ва нафақалар харажатлари ҳар ойнинг 22-санасига қадар муддатидан илгари молиялаштириб берилди. Ушбу мақсадларга Пенсия жамғармасининг 6,03 трлн. сўм маблағи сарфланиб, ҳудудий бўлинмалар томонидан тақдим этилган талабномалар 100 фоиз молиялаштирилди.

Айни чоғда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига асосан, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдорлари 2011 йилнинг 1 августидан 1,15 марта ва 1 декабрдан 1,1 марта оширилди. Умуман олганда, ўтган даврда тўловлар миқдори 1,265 марта оширилди.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг пенсия ва ижтимоий нафақалар орқали моддий қўллаб-қувватлашдан ташқари, улар учун бир қатор имтиёзлар ҳам жорий қилинган. Бу, энг аввало, пенсионерлар ва ижтимоий нафақа олувчилар турмуш тарзини оширишни кўзда тутади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан, давлат пенсиялари тайинланган айрим тоифадаги фуқаролар — I ва II гуруҳ ногиронлари, ёлғиз пенсионерлар, боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар, шунингдек, шахсий пенсионерлар ер солиғини тўлашдан озод этилган. Бундан ташқари, I ва II гуруҳ ногиронлари ва пенсионерлар қонунчиликда белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида мулк солиғини тўлашдан озод этилган бўлса, ёлғиз пенсионерлар, шу жумладан, ногиронлар, шахсий пенсионерлар ҳамда қонунчиликка мувофиқ, бошқа шахслар ҳар ойда коммунал хизматлар қиймати тўловлари бўйича имтиёзлар ўрнига энг кам иш ҳақининг 45 фоизи миқдорида компенсация тўловларини олишмоқда. Иккинчи жаҳон уруши йилларида меҳнат фронти иштирокчиларига эса энг кам иш ҳақининг 18 фоизи миқдорида шу каби компенсация тўловлари тўланаяпти. Айрим тоифадаги фуқаролар пенсияларига давлатимиз олдида кўрсатган хизматлари ҳисобга олиниб, энг кам иш ҳақининг 0,5 дан 3,0 бараваригача ҳар ойлик устамалар белгиланади.

2004 йилда республикамизда нодавлат пенсия жамғармасига асос солингани, аслида, тизимда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий аҳамияти ошиб бораётганининг амалдаги тасдиғидир. 2005 йил 1 январдан бошлаб меҳнат билан банд бўлган фуқароларга ҳар ойда иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида бюджетга йўналтириладиган ва қонунчиликка асосан ҳисобланган жисмоний шахсларнинг даромад солиғини камайтириш эвазига шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига бадаллар киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 декабрдаги Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан 2010 йил декабрь ойидан бошлаб бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг бўлимларида пенсияларнинг тўғри тайинланиши, меҳнат стажи ва иш ҳақлари тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги бўйича ҳужжатли текширув ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунга келиб, 117 та туман (шаҳар) бўлимида ўтказилаётган мазкур текширувлар аввал тайинланган пенсия ишларининг 35 фоизини қамраб олган бўлиб, уларнинг 10 фоизида пенсия ва нафақаларнинг асоссиз тайинланиши ҳамда тўланиши юзасидан кўплаб қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Текширувнинг дастлабки натижаларига кўра, 2012 йил 1 январь ҳолатига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан 150,5 млрд. сўм маблағларнинг ортиқча тўланиши ҳолатлари аниқланиб, шундан 44,7 млрд. сўми ундирилди.

Текширув натижалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аниқланган ортиқча тўловларнинг 73 фоизи фуқароларнинг меҳнат стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни архив идоралари, корхоналар ҳамда ташкилотлар томонидан қалбакилаштириш орқали ноқонуний тайинланган пенсияларга тўғри келади. Ноқонуний тайинланган пенсияларнинг 7 фоиздан кўпроғи ишловчи пенсионерларга тўғри келиб, мазкур фуқаролар Пенсия жамғармаси бўлимларини ўз вақтида меҳнат фаолиятини амалга ошираётганликлари тўғрисида огоҳлантирмаганликлари натижасида қонунчиликда белгиланган 50 фоиз ўрнига 100 фоиз миқдорида пенсиялар олишган. Бундан ташқари, фуқаролар томонидан пенсияларнинг муддатидан аввал тайинланиши учун паспорт маълумотларини қасддан ўзгартириш орқали ёшини ўзгартириш билан боғлиқ ноқонуний тўловлар бўйича кўплаб ҳолатлар аниқланди.

Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан 2011 йилда ногиронлик белгилаш ва қайта кўрикдан ўтиш бўйича тиббий ҳужжатлар эксперт текширувлари натижасида эса ногиронлар умумий сонининг 8,3 фоизи миқдоридаги ногиронлик хулосалари бекор қилинди ёки ногиронлик гуруҳлари қайта кўриб чиқилди.

Айни пайтда аниқланган ортиқча тўловлар қонунчиликда белгиланган тартибда ундирилмоқда.




## «Устоз — шогирд» анъанаси давом этмоқда

*Пенсия таъминоти соҳасида кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бўйича ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Зотан, соҳа самарадорлигининг ошиши ва тизимга замонавий технологияларнинг жадал татбиқ этилиши бу ерда меҳнат қилаётган мутахассисларнинг салоҳиятига боғлиқ. Жамғарма тизимида "Устоз — шогирд" усули жорий этилгани бу борада кутилган натижани бераётир.*

2010 — 2011 ўқув йилида 12 нафар мутахассис Банк-молия академиясини тамомлаган бўлса, ҳозирги кунда яна 15 нафар ходим ушбу муассасада "Пенсия таъминоти" мутахассислиги бўйича таҳсил олмоқда. Академия битирувчилари Европа давлатлари пенсия тизимлари соҳасида тажриба ва билимларини янада ошириш мақсадида Чехия Республикасида бўлишгани айни муддао бўлди. Эътиборли жиҳати, жамғарма ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларининг 600 нафардан кўпроқ ходимлари эса Молия вазирлигининг Ўқув марказида ўз билим ҳамда кўникмаларини оширдилар.

Бугунги кунда, амалий ва назарий машғулотлар ўтказиш учун барча шарт-шароитга эга бўлган Пенсия жамғармасининг "Ўқув мажмуаси" ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда 2011 йилнинг октябр-декабрь ойларида 900 нафардан ортиқ ходимлар ўз малакасини оширишга муваффақ бўлгани бунинг яққол тасдиғидир.

Буларнинг бари аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини адолатли ташкил этишга хизмат қилади, албатта.

**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси матбуот хизмати.**

## «Sirdaryo mulk markazi» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Суд департаменти Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси Оқолтин тумани суд ижрочилари бўлимлари томонидан Жиноят ишлари бўйича Сирдарё тумани судининг 2010 йил 13 июлдаги 2-47ж/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон шаҳар «Низом мулк плюс» хусусий фирмасида сақланаётган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** «VOLVO Fh-12» русумли, давлат рақами X 771 LRN бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган соз ҳолдаги автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 128 121 750 сўм.***

**2.** Давлат рақами 79 87 бўлган тиркама, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолатда.

***Бошланғич баҳоси — 27 702 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 29 март куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 27 март соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Sirdaryo mulk markazi» МЧЖнинг ДАТ «Асака» банки Гулистон шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204944884001, МФО: 00373, СТИР: 302144586.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 56-хона.**
**Телефонлар: (8-367) 226-28-93, 226-28-94. Расмий сайтимиз: www. rmm.uz**

398R/339

## «RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Суд ижрочиларининг Андижон шаҳар бўлими томонидан, қуйидаги кўчмас мулклар бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда.

**1.** Андижон вилояти хўжалик судининг 2011 йил 31 октябрдаги 17-1108-11877-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Янги бозор деҳқон бозори» МЧЖга тегишли, Андижон шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 4-уйда жойлашган, қурилиш майдони 7331,22 кв.м., фойдали майдони 609,76 кв.м. бўлган «Янги деҳқон бозори» 1-босқич савдо мажмуаси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 507 500 000 сўм.***

**2.** Андижон вилояти хўжалик судининг 2011 йил 1 ноябрдаги 17-1106-11812-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Янги бозор деҳқон бозори» МЧЖга тегишли, Андижон шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 4-уйда жойлашган, қурилиш майдони 2951,95 кв.м., фойдали майдони 1219,52 кв.м. бўлган «Янги деҳқон бозори» 2-босқич савдо мажмуаси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 521 886 986 сўм.***

Қизиқиш билдирган талабгорлар бино-иншоот (кўчмас мулк)лар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси 2012 йил 17 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар 2012 йил 17 апрелдаги аукционда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий савдоси 2012 йил 24 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорларнинг аризалари Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй манзилида иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖнинг «Трастбанк» Андижон шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704927796001, МФО: 01074, СТИР: 302067760.

*Лицензия: RR-0026.*

407R/1201

**Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй. *Мўлжал — Давлат мулки қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биноси, 1-қават.* Телефонлар: (8-374) 990-00-82, 262-13-75.**

# ЎЗГА ДАМНИ ДАМ ДЕМА...

*Ўсар буванинг аломат одати бор: кўклам олди Қорасув дарёни ёқалаб қаламча экади. Дарёнинг боши-кети йўқ. Сойга, анҳорларга уланиб кетаверади. Ўсар бува эса тинмайди. Кўкёлнинг хуржунини қаламчага тўлдиради-да, қадами етган ерга қадаб чиқади. Эсини танибдики, унинг иши шу — дарахт ўтқазади. Энди Қорасув дарёнинг қошига борсангиз, бош-адоғи кўринмайдиган оқ тераклар қарши олади сизни. Худди ўрмонга ўхшайди. Шамолда шовуллаб солланади, бахмал япроқлари қуёш нури, ой ёғдусида-да товланади. Ўртада бўлса тўлиқиб дарё оқади. Гўё улар тўхтовсиз суҳбат қуради.*

## Наврўз нафаси



Офтобтепа бўлгич эди. Бир пайтлар чўпонлар сурувни сувлатиб, айни шу тепада ҳордиқ олардилар. Кўкламда қизғалдоққа, саратонда ёнтоққа бурканарди бу тепа. Ўсар буванинг ишчанлиги ортиб, бир неча йил бурун тепани гулдай боққа айлантирди. Офтоббоғда дарахтнинг йигирмадан ортиқ хили бор. Олма, анор, олча, хурмо, ҳатто писта ҳам ўсади. Буларни кўриб, иқрор бўласан: “Ўсар бува оддий боғбонмас, ҳақиқий шинаванда. Шинавандаки, ҳаётга эзгулик уруғини экиб, яшашдан улуғ иш йўқлигини билади”.

Ўтган куни боғбон бувани ялпиз териб юрганида учратиб қолдик.

— Пудина кўзга нур, юракка қувват бўлади, — дейди у баҳридили очилиб. — Айниқса, чакки билан татиб кўрсангиз, зўр бўлади.

Боғбон қўймай уйига бошлаб боради. Келинларигаям ишонмай, ялпиз, кўкпиёзни ўзи ювиб тўғрайди. Сўнг чаккига аралаштириб, дўқалайди. Ҳаш-паш дегунча, кўклам таоми тайёр.

Чой устида бир муддат гурунг қиламиз. Гап орасида Боботоғ томондан кўтарилаётган тўп-тўп булутларга боқиб, ана, яна ёмғир келаяпти, обираҳмат бу, дея жилмаяди. Шунда унинг тарам-тарам ажинлари ёзилади, юзидан ажиб нур жилваланади. Бир пайт ёмғир шиғалай бошлайди. “Қаранг, зап кун бўлаяпти-я, бу галги Ҳут бошқача келаяпти. Узоқ қишда тўйинган ер билқиллаб яйраяпти. Бундай кунда уйда ётиб бўлмайди. Далага чиқиб, улоғиш керак. Майли, ёмғир суви бошдан ўтиб, оёққа етсин. Қайтанга дардни қувади, ични ғубордан тозалайди. Ҳо-ов, анов дарани кўряпсизми, — дея қўл узатса етгудек адирни кўрсатади. — Шу ерни боғ қилаяпман. Номиниям топиб қўйдим — Боғидара. Мевали, мевасиз дарахтни аралаштириб экаяпман, тез эллашади-да. Ҳали кўрасиз, Боғидаранинг бодому ўриклари баҳорни ясаниб қарши олади. Қарабсизки, икки-уч йилда бўстон бўлади. Кўз кўриб тўймайдиган бўстон”.

Ўсар бува ўз ҳикоясидан ўзи боладай қувонади. Сўнг теранликка берилиб, “Умр — ғанимат, болам, ҳар бир дамни қадрлаш керак”, дейди у, бекорга халқимиз: “Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема...”, деб айтмаган. Яхши ишларга улгуриб қолиш керак. Одамларга, табиатга меҳр бериш керак. Шундагина армон қолмайди. Армонсиз яшаш қандай яхши?!”

* * *

Қулпин момо тиниб-тинчимайди. Ўзининг ташвиши қолиб, бошқаларнинг дарди билан яшайди: қўли қисқага кўмак беради, аразлаганларни яраштиради, дўстларни кўриб, шодланади. Яна денг, қуда-андаларни топиштиради. Хуллас, эл одами. Бугун саҳармардондан хотин-халажни айтиб юрибди: “Ҳамма сумалакка! Белингни икки қаватдан бойла! Пешинда ош, шомда ўйин-кулги, айтарингни ўйлаб, доирангни қўлтиқлаб бор”.

Аёллар бир-бирини ҳай-ҳайлашиб, дарё томон кетади. Шу билан бирор йигирма чоғли аёлга кун туғади. Буғдой янчади, сузгида суздиради, ўчоққа ўтин қалайди. Кимдир тош ахтариб, дарё кечиб кетади. Тўғриси, буларнинг бари одамга ҳузур беради. Дилларни бир-бирига боғлайди. Бутун қишдаги гаплар, ишлар айтилади. Айниқса, болаларга маза. Уларнинг хизмати нима, кунда ёриб бериш, сув ташиш ва тунда доирани қизитиш, холос. Қолган маҳал — ўйин.

Хаял ўтмай, Қулпин момо ош сузади. Паловнинг ҳиди олисларга таралади. Ҳатто Бўрижардаги тулкиларнинг ҳам димоғини қитиқлаб юборади. Момолар, жувонлар, ёшлар алоҳида-алоҳида қур бўлиб ош ейишади. Қорин тўйгач, ҳамма иш-ишига овунади. Қозонга солинган масаллиқ сутга ўхшаб қайнайди. Аёллар гирдикапалак. Бири қўйиб, бири капгир айлантиради. Қозон тагидаги ёнғоқ билан тош шақирлайди. Болалар-чи? Улар чиллак ўйнайди. Олим билан Жўра жуда эпчил, тенгқурларини зувиллатади. Тезда зерикади, шекилли, сўнг эшакминди, қулоқчўзмани бошлаб кетади. Шундай қилиб кун ботади. Ҳамма уй-уйига, тепа тўйига. Аёллар ва меҳмон бўлиб келган эркаклар яхши ниятлар билан сумалак қўзғайди.

Қулпин момо бир гапни айтади: “А-й, эгачимлар, саҳарда сўридаги буғдойга қарасам, нимяшил бўлиб турибди. Томири етти сонга етибди. Айланиб кетайин, бир кечада тусга кирди. Сер солсам, милтиллаб шабнам ҳам қўнибди. Насиб этса бу йил сув мўл бўлади, дедим ўзимга”. Шу гапларни айтиб, ўзида йўқ хурсанд бўлади. Қаватидаги кайвонига: “Босиб-босиб чолинг”, дейди. У доирани варанглатади. Қулпин момо қўшиқни бошлайди:

***Наврўзимиз чин рўзимиз***
***келди-ё***
***Еру осмон баракага тўлди-ё.***
***Доирани чолинг, жон момо,***
***Ўйинга тушсин қиз бола.***

Қизлар ўйинга тушиб кетади. Қозон тагидаги олов-да қўшиққа ҳамоҳанг тўлғанади. Сумалак эса вақирлайди. Навбат Қурбонсулув момога етади:

***Баҳор бўлса булбул***
***қўнар гулига,***
***Қўшиқ айтар муқом***
***ташлаб тилига...***

...Ниҳоят тонг отади. Тонгдан сумалакнинг, баҳорнинг ҳиди анқийди. Болалар сумалакнинг пишганини хушбўй ҳаводан билиб олади. Кейин калтакни от қилади-да, чопади. “Биринчи бўлиб шумтакаларга ялатинглар”, дейди Қулпин момо. Болаларнинг лунжи-да сумалакка бўялади. Тоғ томондан эса парқу булутлар кўтарилиб келади. Ҳадемай ёмғир ёғади...

Ўсар бува билан Қулпин момо қишлоқнинг бахти. Улар гўё чучмомага ўхшайди. Қорни чок-чокидан ўйиб, кўкламни бошлаб келади.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 18 ФЕВРАЛДАН 2 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

*(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).*

7. «Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2012 йил 8 февралдаги 4, 13, 01/19-18/04-сонли қарори.*

**2012 йил 2 мартда 1679-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 12 мартдан кучга киради).**

8. «Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 17 февралдаги 21, 2012-12-сонли қарори.*

**2012 йил 2 мартда 1594-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 12 мартдан кучга киради).**

9. «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 2 мартдаги 51-мҳ-сонли буйруғи.*

**2012 йил 2 мартда 2272-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 12 мартдан кучга киради).**

10. «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объектларини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2012 йил 17 февралдаги 01/11-18/05-сонли қарори.*

**2012 йил 2 мартда 2152-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 12 мартдан кучга киради).**

11. «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг умумҳуқуқий классификаторини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 2 мартдаги 53-мҳ-сонли буйруғи.*

**2012 йил 2 мартда 2333-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 12 мартдан кучга киради).**


• **Реклама ва эълонлар** •

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сурхондарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**Аукцион савдосига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Сариосиё тумани СИБ томонидан, 2008 йил 12 декабрдаги 19-0809-10066-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сариосиё тумани, Шарғун шаҳри, А. Икромов кўчасида жойлашган, «Шарғун кўмир» ОАЖга тегишли, майдони 1337,04 кв.м., 1 қаватли, 3 хонадан иборат, 2002 йилда қурилган озиқ-овқат омбори биноси.

***Бошланғич баҳоси — 55 724 312 сўм.***

**2.** Сариосиё тумани СИБ томонидан, 2008 йил 1 декабрдаги 19-0802/9284-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сариосиё тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 110-уй манзилида жойлашган, «ТТЗ Сервис» корхонасига тегишли, майдони 60,72 кв.м., 1 қаватли, 4 хонадан иборат, 1991 йилда қурилган маъмурий бино.

***Бошланғич баҳоси — 2 681 380 сўм.***

**3.** Сариосиё тумани СИБ томонидан, 2010 йил 28 сентябрдаги 19-1008/13876-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сариосиё тумани, Алишер Навоий кўчасида жойлашган, «Сариосиё пахта тозалаш заводи» ОТАЖга тегишли, майдони 311,38 кв.м., 1 қаватли, 1999 йилда қурилган меҳмонхона ва ошхона бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 48 422 064 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 30 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 28 март куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг АТБ «Савдогар» банки Музработ филиалининг Термиз шаҳар минибанкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609017, МФО: 00336, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз ш., Ф. Хўжаев к., 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Телефон: (8-376) 227-57-94. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

408R/1441

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2011 йил 3 ноябрдаги 2-124-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Суқрот кўчаси, 13-уйда жойлашган, «Shela Ram Textile Trading» ШКга тегишли, умумий майдони 3781 кв.м., бино ва иншоотлар майдони 5717 кв.м. дан иборат бўлган 5 та бино (биттаси 4 қаватли ертўладан иборат) ва 4 та иншоотдан иборат маъмурий бино-иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 450 803 962 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 30 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 28 март куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

411-1R/1441

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Фарғона вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона Интер Рейн» қўшма корхонасига қарашли, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, «Фарғона — Қўқон» автомобиль йўли ёқасида жойлашган, қурилиш майдони 10781,75 кв.м., фойдали майдони 3960,30 кв.м. бўлган 48 та хонадан иборат, 2000 тонналик замонавий музлаткич (холодильник) бино ва иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 1 327 789 273 сўм.***

**2.** Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона Интер Рейн» қўшма корхонасига қарашли, Олтиариқ тумани, «Ҳамза» ШФЙ, «Ўзбекистон» МФЙ, Гулистон кўчасида жойлашган, қурилиш эгаллаган майдони 5978,59 кв.м. бўлган, 15 та хонадан иборат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун 4000 тонналик музлаткич бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 1 761 970 003 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 18 апрель куни соат 14.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаментининг ҳудудий бошқармаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 16 апрель соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг АТ «Халқ банки» Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 200152960.

**Аукцион ўтказиладиган манзил: Фарғона ш., Б. Марғилоний к., 35-уй. Телефон: (8-373) 224-68-69. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.**

*Лицензия: RR-0001.*

409R/1441

***Муҳтарам юртдошлар! Сиз учун имконият!***

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

***«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.***

411-2R/1441

**ДИҚҚАТ, ФЕСТИВАЛЬ!**

**«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Terra Group» компанияси ва Ўзбекистон давлат консерваторияси билан ҳамкорликда**

***17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор санъаткорлар орасида***

**«МАРДИ МАЙДОН»**

***жонли ижродаги қўшиқлар фестивалини эълон қилади.***

***Фестиваль йўналишлари:***

- ***эстрада;***
- ***анъанавий ижрочилик;***
- ***академик вокал.***

**Фестивалнинг асосий шарти:** қўшиқлар фақат жонли ижрода айтилади.

**Фестивалнинг асосий мезони:** қўшиқларнинг янгилиги, оригиналлиги, матнининг таъсирчан ва бадиий образларга бойлиги, ижодкорнинг овози, саҳна ҳаракати, нутқ маданияти ҳамда ижро услубидир.

Фестиваль лауреатлари 2012 йил охирида фестиваль якунига бағишлаб ўтказиладиган катта гала-концертда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

**Қўшимча маълумотларни «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳудудий бўлинмаларидан ҳамда www.uzbeknavo.uz интернет сайтидан олиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 234-52-90, 235-52-80.**

414R/286

**«RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига суд ижрочиларининг Андижон шаҳар бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2010 йил 24 декабрдаги 1-1129-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Саноат кўчаси, 280-уйда жойлашган ер участкаси 13478,15 кв.м., қурилиш майдони 5616,1 кв.м. бўлган омборхона бино-иншоотлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 655 287 000 сўм.***

Қизиқиш билдирган талабгорлар бино-иншоот (кўчмас мулк)лар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси 2012 йил 27 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк 2012 йил 27 мартдаги аукционда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий савдоси 2012 йил 10, 24 апрель кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорларнинг аризалари Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уйда иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖнинг «Трастбанк» Андижон шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704927796001, МФО: 01074, СТИР: 302067760.

*Лицензия: RR-0026.*

406R/1201

**Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй. *Мўлжал — Давлат мулки қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биноси, 1-қават.* Телефонлар: (8-374) 990-00-82, 262-13-75.**

**«FARG‘ONA MULK MARKAZI» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона мева-сабзавот тайёрловсавдо» компаниясига тегишли, Олтиариқ тумани, Қапчуғай қишлоғида сақланаётган, 16 (ўн олти) номдаги ёғоч яшиклар ишлаб чиқариш дастгоҳлари.

***Бошланғич баҳоси — 11 929 352 927 сўм.***

**2.** Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, Қапчуғай қишлоғида сақланаётган, «Фарғона Интер Рейн» қўшма корхонасига қарашли бўлган музлаткич ускуна ва жиҳозлар.

***Бошланғич баҳоси — 1 894 421 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 18 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаментининг ҳудудий бошқармаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 16 апрель соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Farg‘ona mulk markazi» МЧЖнинг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943063001, МФО: 00497, СТИР: 302134194.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳри, Б. Марғилоний кўчаси, 35-уй. Телефон: (8-373) 224-68-69. Расмий сайтимиз: www.rmm.uz**

410R/1441

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**2012 йил учун протез-ортопедия маҳсулотлари ҳамда реабилитация техник воситаларини харид қилиш юзасидан бўлиб ўтган очиқ тендер танловлари натижалари бўйича қуйидагиларни маълум қилади:**

***— 1 ва 2-лотлар бўйича тендер ўтмаган деб ҳисобланди.***

***— 3-лот бўйича «Ортопедия реабилитацияси» МЧЖ тендер ғолиби деб топилди.***

**Мазкур тендер танловини ўтказиш тўғрисидаги эълон «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 6 январдаги 4 (5424) ҳамда 4 февралдаги 25 (5445)-сонларида чоп этилган.**

399R/308


“Ўзстандарт” агентлиги “Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази” ДК сертификатлаштириш идораси раҳбари

**Одилжон ШАМСИДДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 106 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
***Девонхона 233-52-55;***
***Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.***

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.**

**• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — А. Орипов.**
**Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.**
**Навбатчи — Ғ. Шералиев.**
**Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.00** 1 2 3 4 5